



# Farg'onha haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## Фарахбахш кунлар муборак!



Яқиндагина интиқлик  
иля кутганимиз Рамазон  
оий охирлаб қолди. Бу  
муборак ойнинг ilk ку-  
нидан бошланган хатми  
Қуръонлар улуғ кечада  
итномига етди.

Юртимизнинг 1500 дан зиёд  
масжидларида, жумладан,  
вилоятимиздаги 194 та жомеда  
үтказилган хатми Қуръонлар  
Қадр кечасида нюхояланди.  
Юртимиз бўйлаб бир вақтда  
якунланган Каломуллоҳ хатми  
сўнгидаги мўмин-мусулмонлар  
бир пайтнинг ўзида дуога кўл  
очдилар. Уламолар, ахли илм-  
ларнинг маърифий сұхбатлари  
буюк кечанинг файзига файз  
кўшиди. Хатми Қуръонларнинг 27  
кунлик тажрибасидан ёшу қарси  
бирдек кувонгани, ҳалқимизга  
бу тадбир манзур бўлганини  
мамнуният билан тилга олиш  
мумкин.

Кўзларда ёш, қалблар  
Аллоҳга боғланган ҳолда дуога  
кўтарилиган кўллар ила мў-  
мин-мусулмонлар ватани ва  
дени ривожи, ҳалқи ва оиласи  
фаровонлиги, икки дунё саодатини  
сўраб илтижо қилдилар.  
Илоҳо, улуғ кечаларда Аллоҳ-  
нинг байтида туриб қилинган  
дуолар ижобат бўлсин!

"Яхши кунлар тез ўтади", дей-  
ишади. Жонажон диёримиз-  
нинг мўмин-мусулмонлари

ўн икки ойнинг сultonи бўл-  
миш Рамазон ойини ниҳоятда  
кўтарики руҳда, кечаларини  
тоат-ибодат, кундузларини  
рўздор ҳолда файзу футиҳ  
 билан ўтказиб, бу ойни солих  
амаллар ва Аллоҳ розилиги  
йўлидаги ибодатлар ойига  
айлантирилар. Алҳамдуллаҳ, Аллоҳ  
таоло въъда қилган буюк  
мукофотни қабул қилиш куни  
"Ийди-Фитр", яъни Рамазон ҳай-  
ти каби улкан шодиёнани ҳам  
интиқлик ила кутмоқдалар.

Аллоҳ таоло Ўзининг муборак  
Каломида шундай марҳамат  
қилган: "Айтинг: Аллоҳнинг  
фаズли ва раҳмати билан,  
бас (албатта) шулар сабабли  
(мўминлар) шодлансанлар! У  
тўплаган нарса (бойлиқ)лари-  
дан яхшироқdir" (Юнус сураси,  
58-оят).

Анас розияллоҳу анхудан ри-  
воят қилинади: "Набий соллал-  
лоҳу алайҳи васаллам Мадинага  
келгандарида, у (Мадиналиқ)  
ларнинг икки куни бўлиб, улар  
ўша кунларида ўйин-кулги  
қилишар эди. Пайғамбаримиз  
соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
"Бу икки кун қандоқ кун?", деб  
сўрадилар. Улар: "Биз жоҳили-  
ятда шу кунларда ўйин-кулги  
қилар эдик", дейишди. Шунда

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи  
васаллам: "Албатта, Аллоҳ сиз-  
ларга у иккиси ўрнига улардан  
кўра яхшироқ – Азҳо (Қурбон  
ҳайти) ва Фитр (Рамазон ҳай-  
ти) кунларини берди", деди-  
лар ("Сунан" эгалари ривоят  
қилган).

Ҳалқимиз қадимдан, Ислом  
дини билан мушарраф бўлган  
кундан бошлаб Рамазон ҳай-  
ти кунини тантанали радиша  
байрам қилиб нишонлаб келган.  
Ийд намозини ўқиш учун бутун  
шашар аҳли бир намозгоҳга  
йиғилган.

Шунингдек, ҳайит арафасида  
қўни-қўшиналарга меҳр-муруват  
қўрсатиш билан бирга, моддий  
ёрдамга муҳтож қишилар, яъни  
кам таъминланган оиласаларга  
хайр-эҳсон қилинса, уларнинг  
хонадонларига ҳам байрам шу-  
кухи кириб келган бўлади.

Шу ўринда эсга олиш лозим  
бўлган яна бир жиҳат, "Фитр са-  
дақаси" рўздан чиқиш муноса-  
бати билан бериладиган садака  
ҳисобланади. Бу молиявий ибо-  
дат шариатимизда рўздорнинг  
рўзаси комил бўлишига халал  
берадиган турли беҳуда гап-сўз  
ва хатти-ҳаракатлардан поклаш  
ва мискинларга таом бўлиш  
маъносида жорий қилинган.

Ҳанафи мазҳабига кўра, Рама-  
зон ҳайти куни тонги отиши  
 билан "Садака фитр"ни бериш

Убайдуллоҳ АБДУЛЛАЕВ,  
Фарғона вилояти бош имом-хатиби



2  
БЕТ

ХАЛҚ  
ДЕМОКРАТИЯСИ

"Boeing"лар Ўзбекистон  
ёнилғисида учади



3  
БЕТ



МАҚСАД – АХОЛИНИНГ  
УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН  
ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ



6  
БЕТ



## Мұхаммаджон ОБИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Касб тақозоси билан дунёнинг қўплад мамлакатларида бўлдим. У ёқларда оддий одамлардан то давлат, ҳукумат арбобларигача учрашиш, мулоқотда бўлиш насиб этди. Лекин сўз эркинлиги, миллий валютани эркин айирбошлаш, пахта етиширишда мажбурий меҳнат мавзуси очилганида ўзимизни оқлашга баҳона излардик.



Бизда цензура – қонунан тақиқланган, конвертация бор, фақат уни Вазирлар Маҳкамаси назорат қилиб туради, холос. Пахта теришга ихтиёрий ҳашарга чиқлади, дея ўзимиз ишонмаган ақидага уларни ишонтироқчи бўлар эдик. Ҳолбуки, ОАВ доимо назоратда, тадбиркор белгиланган тартибда сўмни конвертация қилиб, четдан бирор технология сотиб олиши деярли мумкин эмаслигини, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам пахта теримиға мажбуран жалб этилишини билардик. Аммо... амал, мукофот, "кулғи тинчлик", деган тушунчалар оҳанрабосидан воз кечиб, бу ҳақда очиқ-ойдин гапирган, амалдаги қонунлар ижросини талаб қилганлар жуда-жуда озчилик бўлди.

Олий Мажлис депутати сифатида қабул қилинаётган қонун лойиҳасига ўзгартириш киритиш ҳақида эркин таклиф беролмаган кунлар ёдимиздан чиққани йўқ. Балки ўзи шундай бўлиши керакдир, дея баъзан ўзимизга таскин бердик, баъзан эса бу ҳақда фикр айтишга кўркдик.

Бугун мамлакатимиз ҳар жабҳада ўзгаришга юз тутди. Ўзбекистон ёпиқ давлат, деб келган хориждаги мухолифатчилар ҳам юртимиздаги, аввало, сиёсий, кейин иқтисодий эркинлик ва ислоҳотларни тан олмоқда, қўллаб-қувватляяпти. Ўзбекистон ҳалқаро ҳамжамият ўртасида расман "тез ривожланаётган давлат"лар қаторига киритилди. Президентимиз фаолияти эса шу ислоҳотлар муаллифи ва ташабbusкори сифатида юксак баҳоланяпти.

Мамлакатда рўй берган очиқлик, адолат, инсон қадрини улуғлаш мезонларидаги ўзгаришларни ҳар бир фуқаро ўз тақдирида сеза бошлади. Камбағаллик даражаси, ишлизик каби жиддий муаммолар энг юқори минбарларда муҳокамага кўйилмоқда ва ечими юзасидан амалий дастурлар қабул қилингапти, ижроси дав-

лат тузилмалари, жамоатчилик томонидан доимий назоратда. Муаммони ҳал этишининг "Темир дафтар", "Аёллар дафтар", "Ёшлар дафтар" каби бизга номаъмур услублари қўллана бошланганида уни англаш, қабул қилиш қийин бўлганди. Бугун билдики, булар ҳалқ турмуш дарасини яхшилашга қаратилган энг самарали амалиёт экан.

Икки ой илгари Москвада бўлиб ўтган журналистларнинг ҳалқаро анжуманида қатнашдим. Унда таникли сиёсатчилар, давлат арбоблари, хусусан, Россия Президентининг собиқ давлат маслаҳатчиси, ҳозирда Россия медиаиндустрия академияси раҳбари, сиёсатшунос, профессор Евгений Дугин ҳам иштирок этди.

Ўша даврада Ўзбекистонда рўй берган демократик ислоҳотлар тилга олинди. Евгений Дугиннинг менга берган интервьюсидан иқтинос келтироқчиман.

**– Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг айрим ибратли жиҳатларини алоҳида таъкидламоқчиман, –** деди сиёсатшунос олим ва давлат арбоби. – **Биринчидан, Ўзбекистонда тадбиркорларга эркинлик берилиши натижасида**



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 ЙИЛ 27 ОКТЯБРДАГИ "ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ АКТИVLARINI ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИRLAR ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА КЎРА, ИЛГАРИ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ МУАССИСЛИГИДА БўЛГАН "ФАРГОНА ҲАҚИҚАТИ" – "ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА" ГАЗЕТАЛАРИ ЮЗДАН ОРТИҚ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ, НАШРИЁТЛАР ҚATORИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИЛИB, ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ. БУ ҲАМ СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ТОМОН ҚЎЙИЛГАН МУҲИМ ҚАДАМ, ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИ НАМОЙИШИ ЭДИ.

## 30 АПРЕЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ

**сўнгги беш йил мобайнида иқтисодий юксалиш рўй берди. Иккинчидан, ҳокимиятга ишонч ҳар қандай муаммони ҳал қилувчи омилдир. Мамлакатингизда тадбиркор ҳам, бошқа соҳа вакиллари ҳам давлатга ишонади.**

**Менга Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган Ҳалқ қабулхоналари тизими йўлга қўйилгани маълум. Ҳалқ қабулхонаси – ҳалқ демократиясининг маъно ва моҳияти дегани. Инсон, у узоқ қишлоқда яшайдими ёки шаҳардами, Ҳалқ қабулхонасига келиб билдирган фикри инобатга олинади. Бу мулоқот демократиясининг шаклидир. Үнга кўра одамлар, яъни ҳалқ ўз муаммо ва мулоҳазасини билдиради, йигилган таклиф ва истаклар умумлаштирилади, таҳлил қилинади. Кейин эса у ҳалқ турмуш тарзи, мамлакат раҳбарияти учун қонунга айланади. Яъни, Президент ҳалқ билдирган таклиф ва талаб асосида қонун қабул қилинишини таъминлайди. Тегишли фармонлар чиқаради.**

**Энг эътиборли ҳолат, бу – қонун ва фармонлар ҳалқ истаги сифатида қабул қилинади. Бундан шундай хулоса чиқади, одамлар энди ўзлари истаган қонунлар асосида яшайди. Президент эса ҳалқ идорасини янада кучайтириб, буни ўз фармонларида акс эттиради.**

Мен Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко хузуридаги эксперталар кенгashi аъзосиман. Кенгаш қонунлар ҳаётга қанчалар татбиқ этилаётганини ўрганади. Аммо бу қонунлар ҳалқдан келиб чиқсан, дея олмайман. Ўзбекистондаги ҳолатда эса тўғридан-тўғри ҳалқ демократияси шакли

яратилган. Шу боис, **биз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақиқатан ҳалқ демократиясини қарор топтира олгани билан фахрланамиз. Бу ҳар қандай давлат раҳбари учун юксак шараф.**

Дунё сиёсатдонлари орасида ижтимоий таҳлиллари билан танилган инсоннинг Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва унинг ташаббускорига берган юксак баҳоси қалбимни фурур-ифтихорга тўлдириди. Нега фахрланмай, ахир у менинг Ватанимда қарор топаётган демократик тамойилларни тан олиб, барча давлат раҳбарлари ҳам бу каби ислоҳотларни ирода қилолмайди, демоқда-ку?

Шу ўринда яқинда Фарғона тумани Чимён қишлоғилик бир оқсоқол билан бўлган сұхбатимиз ёдга тушди.

– Мен оддий колхозчи оиласи фарзанди эдим. Бир умр мактабда муаллимлик қилдим, – дейди Ҳусан ота Қурбонов. – Нафақага чиққунимча ҳам туман раҳбари билан юзма-юз мулоқотда бўлмаганман. Вилоят, мамлакат миқёсидаги раҳбарларни-ку, кўя туриңг. Президентимиз 2021 йил Фарғонадаги сайловолди учрашувида ўз режаларни баён қилгач, энди сизлардан эшитмоқчиман, деб қолди.

Тушунишимча, бундай анжуманларда давлат раҳбари билан мулоқотда бўладиганлар аввалидан аниқланар ва тайёрланар эди. Биз Фарғона тумани ҳоқимлиги залидан видеоалоқа орқали тўғридан-тўғри қатнашётган эдик. Президентнинг чакириғидан руҳланиб, микрофон олдига бордим. Буни кўриб турган давлатимиз раҳбари, марҳамат, гапиринг, отаҳон, деди. Рости, бир оз ҳаяконландим. Кейин кўнглимдаги гапларни тўқиб солдим. Қишлоғимиз муаммолари ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашни давом этириш масаласида тақлифлар кирийтдим.

Биласизми, Президент ҳар бир гапимни ёзиб оларди ва охирида тақлифларингиз учун раҳмат сизга, деди. Ўша кунлари Чимён "Обод қишлоқ" дастурига киритилди. Молия, солик, иқтисод, таълим идоралари вакиллари келиб, менинг тақлифларим бўйича батафсил сұхбатлаши. Тез фурсатда мамлакат миқёсида амал қилувчи меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларни тузиш, белгилаш жараёнида мен ҳам иштирок этганимдан фурурланаман. Очифи, айрим тақлифларим инобатга олинганига ҳамон ҳайратдаман. Ахир, мен олис қишлоқ мактабининг собиқ ўқитувчиси, ҳозирда оддий пенсионерман, холос! Ё

демократия, очиқлик, ошкоралик, дегани шумикан?!

Бу икки эътироф, ҳаётй воқеа, аслида, бугунги Ўзбекистоннинг асл қиёфасидир. "Ҳалқ давлат учун эмас, давлат ҳалқ учун", "Давлат – жамият – инсон" эмас, "Инсон – жамият – давлат" каби мезон-меъёrlар сиёсат ва ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлардир.

Узоқ йиллик журналистлик тажрибасига эга инсон сифатида айттай: ОАВда сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит яратилди. Энди асосли таҳлилга таянган танқид учун давлат идоралари таъкиб ва тазийиқ қилолмайди.

Жойлардаги ҳамон эскича фикрлайдиган айрим ҳоқим, амалдорларни ҳисобга олмаганда, албатта. Матбуотда хусусий тармоқ тобора кенгайиб бормоқда. Ўзим мисолимда айтсанам, Президентимиз 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни таъминлайди" шаклини яхшилаштириш ҳамда давлат активларни хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фарғонига кўра, илгари Фарғона вилояти ҳоқимлиги муассислигига бўлган "Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари юздан ортиқ газета, журнал, нашриётлар қатори давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Бу ҳам музим қадам, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси намойиши эди.

Ҳа, ҳаёт тарзимиз ўзгарди ва унинг бош ислоҳотчи – Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев эди. Янги таҳрирдаги Конституциямиз учун 30 апрель куни бўладиган референдумда ҳалқимиз яқдиллик билан овоз беришини изҳор қилмоқда. Бу ҳақида танишим, Чимён қишлоғилик Ҳусан ота ҳам алоҳида таъкилдади.

– Оилавий даврамизда фарзанд, набираларимиз билан Конституция лойиҳасини ўрганиб, мұхокама қилдик, – дейди отаҳон. – Барчамиз биринчилардан бўлиб овоз бергани боришга қарор қилдик. Чунки бу Конституция Ўзбекистонда чинакам демократия, ҳалқ демократияси ни янада мустаҳкамлайди.

Қизик, нега энди Ҳусан ота ҳам, дунёнинг таникли сиёсатдонлари ҳам Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар ҳақида бир хил фикрлайдиган бўлиб қолди?

("Янги Ўзбекистон" газетасининг 2023 йил 19 апрелдаги 75-сонидан олинди).

# “Boeing”лар Ўзбекистон ёнилғисида учади

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўз фаялиятини бошлаган. Шундан буён у Ўзбекистондаги энг йирик ишлаб чиқариш корхонаси мақомида эди. Аммо йиллар ўз таъсирини кўрсатди. Қурилмалар яроқлилик муддати ўтгани учун доимо таъмирлаш, модернизацияга муҳтож бўлди.

**Б**у ерда катта миқёсдаги иш – ёнилғи таркибидаги олтин-гугуртни тозалаш қурилмаси бунёд этилганига ҳам йигирма йилдан ошиди.

Нефтни қайта ишлаш технологиялари такомиллашиб боряпти, маҳсулот сифатига талаб ошмоқда. Шунинг учун ҳам Фарғонада Президент ва ҳукумат қарорлари асосида кенг кўламда ишлаб чиқариш технологияси модернизация қилингани. Франция, Италия, Англия давлатлари мутахассислари лойиҳаси ва ускуналари иштирокида нефтдан маҳсулотлар олишда энг зарур бўлган водородни бойитиш ва водород ишлаб чиқариш қурилмаси янгидан бунёд этилмоқда.

– Бу қурилмалар ишга тушганда 99,9 фоиз водород билан таъминлайди завод қурилмаларини, – дейди лойиҳаларни бошқариш департamenti бошлиғи ўринбосари Йўлдошли Мирзакаримов. – Изомеризация қурилмасида евро талабига жавоб беридиган 92, 95 маркали бензин маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Гидрокрекинг қурилмасида синтетик, яримсинтетик мой маҳсулотлари API (American Petroleum Institute) II/III-гурӯхга мансуб мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятини яратади ҳамда JEAT-1 авиакеросини, бензин, дизель ёнилғилари кўшимча ишлаб чиқарилади.

Маълумки, ҳозиргача нефтни қайта ишлаб, ундан юз фоиз маҳсулот олиш мумкин эмасди. Аникроғи, нефтдан турли қолдиқлар ажраб чиқар эди. Мутахассислар энди гидрокрекинг технологиясини жорий этмоқдалар.

– Гидрокрекинг қурилмасининг афзаллиги завод қурилмаларида ишлаб чиқилган қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаб, кўшимча қўймат берувчи маҳсулотга айлантиради. Маҳсулот тури ҳамда сифати ошади. Шу қурилма ишга тушиши билан завод йилига 2 миллион тонна ҳомашёни қайта ишлаш имкониятига эга бўлади, – дейди Йўлдошли Мирзакаримов.

Нефтни қайта ишлаш бўғсиз мумкин эмас. Ҳозиргача у иссиқлик электр станциясидан олинар эди. Бу масала ҳам ечимини топяпти. Заводда 100 ва 25 тонналик учтадан, жами 6 та буғ қозонхоналари қурилмоқда. Унга са-марадор Италия буғ қозонлари олиб келинди. Унинг афзаллиги шундаки, дастлаб сувни кимёвий тозалайди, яъни чучуклаштиради. Бундай сувдан олинган буғ қувурларни чиритмайди.

Мутахассисларнинг айтишича, энди буғ қозонларига газ эмас, балки заводнинг ўзидан чиқадиган мазут ёқилади.

Ўн йиллар давомида сифимларда



эррозия рўй бера бошлади. Бу табиий ҳол эди. Завод мутахассислари 60 минг кубметрлик янги сифимларни монтаж қилишмоқда. Булар ҳам одатий сифим эмас. Агар мавжуд сифимларда сақланаётган нефть маҳсулоти қисман ҳавога буғланиб чиқса ва табиатга маълум даражада зарар етказса, бу – янги сифимларда инновациян ечимлар кўлланган. Яъни, улар ҳаво ҳароратига қараб нафас олади ҳамда табиатга мутлақо чиқит чиқармайди.

Баҳорнинг шукухли кунларида фарғоналик мутахассислар яна бир улкан ютуқни кўлга киритдилар. Энди

нефтни қайта ишлаш заводида энг юқори сифатли авиаёнилғи ишлаб чиқарилади.

– Бу иш ўн йил давомида амалга оширилди. Устозларимизнинг жуда катта меҳнати сингиган. З миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бу эришилган ютуқ нафақат заводники, балки республиканизнинг катта ютуғи деб ҳисоблайман, – дейди директор ўринбосари Иқболжон Раҳимов.

Шу ўринда икки жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти кун сайин ошиб бормоқда. Президент топширифи билан ички ва халқаро авиақатновлар сони икки баробар ошириладиган, бунинг учун янги замонавий самолётлар сотиб олинадиган бўлинди. Уларга эса камиди "Евро-5" сифатидаги ёнилғи керак бўлади. Бу масала Фарғонада ҳал этилди.

– Сифат кўрсаткичлари энг охири гаплабрага жавоб беради. "Boeing", "Airbus" каби замонавий самолётларда фойдаланиши мумкин бу ёнилғидан, – дейди Иқболжон Раҳимов. – Илгари 120 минг тоннагача авиакеросин ишлаб чиқариш мумкин эди. Энди бу миқдорни тўрт баробарга ошириш имкони бор.

Икки мұхим жиҳат шундаки, JEAT-1, яъни авиаёнилғи мутлақо маҳал-



лий хомашё – Ўзбекистон нефтидан олиняпти. Бу билан импорт ўрнини босувчи маҳсулот маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқилишига эришилди.

Яна бир гап. Бугунги ютуққа эришиш ўйли осон кечмаган.

– Мен шу завода 50 йилдан ортиқ ишладим, – дейди меҳнат фахрийи Ҳабибулло Алиев. – 2009-2011 йилларда асосий масала JEAT-1 маҳсулотини ишлаб чиқариш бўлган. Шунинг учун зангламас қувурларни қурилмалар, сифимлар, юқлаш бўлимларигача тортдик. Лаборатория жиҳозлари олиб келинган. Лекин бу ишларнинг ҳаммаси тўхтаб қолганди. Бугун мени заводга чақиришди. JEAT-1 маҳсулотини ишлаб чиқариш бошланибди. Жуда хурсанд бўлдим бундан. Чунки қилинган ишлар қолиб кетиб, афсусда юргандим. JEAT-1 ни ишлаб чиқариш учун маблағ ажратган давлатимиз, шу ишни охирига етказган шогирдлардан жуда хурсандман.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, раҳбарият корхонада ёш, иқтидорли янги замон мутахассисларни бирлаштира олди. Маънан эскирган ускуналар, технологик жиҳозлар ўрнини энг замонавий-си эгалляяпти.

Ишчи-ходимларнинг ижтимоий мухофазасига устуворлик берилди. Корхона худудида янги, қуладай лойиҳада ечиниш-юваниш мавзеси ташкил этилди. У сиҳатгоҳлар каби ободонлаштирилди. Унда узоқроқ масофадаги қурилмада ишловчилар учун велосипедлар парки очилди.

Хизмат кийимлари илгари сотиб олинар эди. Энди улар ҳам янги ташкил этилган тикувчилик цехида ишлаб чиқарилмоқда. Бу билан янга 30 нафар ёш чеварлар ишли бўлди.

Ишчилар таомномасида қишин-ёзин энг сара мева ва сабзавотлар бор. Уни ҳам завод ишчилари етиштиради. Бодринг ҳосили иссиқхоналардан ошхонага – ишчилар дастурхонига етказилмоқда.

Завод яқинида тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш маркази ишлаб турибди. Бу ерда ҳам ишчи-хизматчилар саломатлигини мухофаза қилиш, даволаш учун барча замонавий тиббий жиҳозлар, малакали шифокорлар бор.

Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси бугун эришаётган натижалар унинг шонли тарихи китобидан унтилмас воқеа сифатида ўрин олиши, шубҳасиз.

**Сарвар ОБИД.  
Элёр ОЛИМОВ  
олган суратлар.**

## "ФАРГОНА НӘФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ" МЧЖ ЖАМОАСИ

Фарғона вилояти аҳлини, барча мўмин-мусулмонларни, саноат корхоналари ходимлари ва куну тун эл-юрт манфаати йўлида фидокорона меҳнат қилаётган нефчиларни ҳалқимизнинг эзгулик, хайру саховат ва меҳр-оқибат байрами - муборак Рамазон ҳайити билан самимий табриклайди.



**Улуғ айём  
кунларида қилган  
эзгу орзуларимиз,  
тоат-ибодатларимиз  
ва дуоларимизни  
Аллоҳ таоло ижобат  
етиб, эл-юртимизда  
мустаҳкам қарор  
топган тинчлик-  
осойишталик ва**

**қут-баракани бардавом қилсин!  
Барчангизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик,  
тинчлик-хотиржамлик, оиласий баҳт-саодат  
тилаймиз!**

**РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ  
ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**

# CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY

Дунёдаги  
жамики мусулмон уммати  
учун мўътабар ва қадрли бўлган  
улуғ айёмда Ўзбекистон халқини,  
вилоятимиз аҳлини, шу жумладан,  
тиббиёт ходимларини, олий таълим  
муассасаси профессор-ўқитувчиларини  
Рамазон ҳайити билан самимий  
муборакбод этади.

Муқаддас динимизнинг эзгулик ва  
инсонпарварлик, меҳр-шафқат каби  
буюк фазилатлари янада ёрқин намо-  
ён бўладиган ушбу шукухли дамлар-  
да Сизларга, аввало, сиҳат-саломат-  
лик, оиласий баҳт, хонадонларингизга  
файзу барака тилаймиз.

Нияти пок, мақсадлари улуғ халқи-  
мизнинг табаррук қунларда қилаётган  
барча ибодатлари, эзгу дуолари  
ижобат бўлсин!



**Муқаддас айём –  
Рамазон ҳайити  
барчамизга муборак  
бўлсин!**

## Шарҳ

# МАҚСАД – АҲОЛИНИНГ ЎЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШ

**Мамлакатимизда аҳолини арzon уй-жой билан таъминлаш, бунда давлат бюджети ҳисобидан субсидиялар ажратиш, хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли турар жойлар қурилишига жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ижросини изчиллик билан амалга оширишда тижорат банкларининг роли алоҳида аҳамият қасб этмоқда.**

Вилоятимизда 2023 йилнинг 1 апрель ҳолатига тижорат банкларининг кредит қўйилмалари миқдори 21 трлн. 240 млрд. сўми ташкил этган бўлса, шундан 3 трлн. 761 млрд. сўми ёки 18 фоизи ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келади. Бу рақамлар вилоятда аҳолининг уй-жойга нисбатан ўсиб бораётган талабини қондиришга катта эътибор қартилаётганидан дарак беради.

Шуни айтиш керакки, 2020-2023 йиллар мобайнида Фарфона вилоятида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 15 585 нафар фуқарога 2 трлн. 791 млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрь кунги “Бозор тамоилиларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан 2022 йилда Фарфона вилоятида 3 000 та ипотека кредити ажратиш топшириғи берилган эди.

2022 йилда 6 559 нафар фуқарога барча молиялаш манбалари ҳисобидан 1 трлн. 149 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилиб, 2021 йилга нисбатан 105 фоизга, шундан субсидия асосида 1 903 нафар фуқароларга 420,0 млрд. сўм кредитлар берилши ҳисобига 2021 йилга нисбатан 134 фоизга кўпайшига эришилди. Фармонда бел-



гиланган топшириқ 219 фоизга ортиғи билан бажарилди.

2023 йилнинг 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2023 йилда бозор тамоилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон имзоланди.

Фармонга кўра, Фарфона вилоятида 2023 йилда 4 177 нафар фуқарога 980,2 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари орқали ажратилиши, шунингдек, 2 000 нафар фуқарога давлат бюджети ҳисобидан 141,3 млрд. сўм субсидия маблағлари берилши белгиланди.

Аҳамиятли жиҳат, 2023 йил 1 майдан бошлаб ипотека кредитлари ва субсидияларни ажратиш тартибига ўзгаришилар киритилди. Жумладан:

– эндиликда банкларга ипотека кредитларини расмий даромадга эга бўлмаган жисмоний шахсларга ҳам ажратишга рухсат берилди. Бунда, ушбу фуқароларнинг тўлов қобилияти уларнинг банк картаси айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларини ҳисобга олиш орқали аниқланади;

– банкларга қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўр-

саткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди;

– профессионал таълим ташкилотларининг муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳаларида махсус фанлар бўйича дарс бераётган ёки ўқув амалиётини ўтказаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим устасларига имтиёзли шартларда субсидия хабарномаларини бериш тартиби жорий этилади;

– субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилди. Бунда, фуқаро 4 ойда хабарномадан фойдалана олмаса, у субсидияга қайта ариза топшириши мумкин бўлади.

2023 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишга доир аризалар тасдиқланган параметрлар доирасида 2023 йил 1 майдан 2023 йил 1 декабрга қадар қабул қилинади.

Ипотека бозорини узоқ муддатлиресурслар билан таъминлаш ҳамда уй-жой қурилишини тезлаштириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилиши белгиланди. Ушбу маблағлар ҳисобидан банклар қурилиш-пудрат ташкилотларига 18

ойгача бўлган муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг фоиз ставкасида (бугунги кунда 14 фоиз) кредитлар ажратилади.

Қурилаётган кўп квартирали уй-жойларнинг якунланган қисмини (каватларини) банклар томонидан кредит таъминоти сифатида босқичма-босқич гаровга олиш амалиёти жорий этилди. Бугунги кунга қадар уй-жойнинг томи ёпиғанидан кейин уни гаровга кўйиши ва кредит олиш мумкин эди. Ушбу Фармон билан киритилган ўзгаришиларни сабабли пудрат ташкилотларининг гаров таъминотига боғлиқ масалаласи ҳал этилиши билан бир қаторда, сотилган уйлардан тушган маблағлар тўлиқ банк хисобрақмалари орқали айланисига эришилади.

Банкларнинг ўз ҳисобидан берадиган кредитларини давлат томонидан қайта молиялаштириш амалиёти давом этирилади.

Шу билан бирга, 2024 йил 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига уй-жойлар куриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кафиллик ва компенсация тақдим этилади. Бунда, компенсация – кредит суммасидан қатъи назар, ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун кредитнинг 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича тўланади.

Кафиллик – кредит суммасидан қатъи назар, ҳар бир кўп квартирали уй-жой учун 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда тақдим этилади. Кафиллик ва компенсациялар бериш учун майдони 70 квадрат-метрдан ошмаган квартиralар сони қурилаётган уй-жойдаги жами квартиralар сонининг камида 70 фоизини ташкил этиши лозим бўлади.

Фарфонада кўп қаватли турар жойлар қурилиши шиддат билан давом этилади. Янги хонадонга эга бўлган фуқароларимиз уй тўйларини ўтказишишоқда. Айнанка, давлат бюджети ҳисобидан субсидия олган аҳоли Президентимизга миннатдорчиллик билдиримоқда. Ишончимиз комил, жорий йилда ҳаётдан рози бўлиб яшा�ётган фуқаролар сони янада кўпаяди. Бу эзгу ишда вилоятимиздаги тижорат банкларининг ҳам муносиб хиссаси борлигидан мамнунмиз.

**Зоҳиджон ДЕҲКОНОВ,**  
**Марказий банк Фарфона вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## АДВОКАТ ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



**Фарфона юридик техникумida Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Наманганд вилоят ҳудудий бошқармаси маслаҳатчиси, “Йил адвокати-2022” танлови ғолиби Феруза Жалилова талаба ёшлар билан учрашди.**

Тадбирда суд тизимида узоқ йиллар ишлаб, соҳада етарли кўнника ва малакага эга бўлган адвокат Феруза Жалилова дастлаб суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, оид судловни амалга ошириш самарадорлиги, судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга тўхталиб ўтди. Сўнгра ўзи хизмат қилиб келаётган “Анушервон Одил” адвокатлик бюроси фаолияти, иш тажрибаси, нуфузли танловда ғолиб бўлишининг асосий омили ҳақида гапириб берди.

– Малакали ҳуқуқшунос бўлиб ети-

шиш учун, энг аввало, пухта билим олишига интилиш керак, – деди Феруза Жалилова. – Қолаверса, қасбга жиддий иштиёқ бўлиши лозим, қасб этикасига риоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳам мухим жиҳатлардан.

Шунингдек, у бўлажак ҳуқуқшунослар ўз фаолиятида қонун ва адолат устуворлигини таъминлаши, фидойи, қатъияти ва маъсүлиятини ҳис кила олиши лозимлигини алоҳида қайд этди. Талабаларнинг суд-ҳуқуқ соҳасига доир саволларига ҳаётй ва иш тажрибасига оид мисоллар билан жавоб қайтарди.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

## ЭЪЛОНЛАР

### FARG'ONA POLITEXNIKA INSTITUTI

QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:

#### I. KAFEDRA MUDIRI LAVOZIMIGA:

**1 Elektr texnikasi, elektr mehanikasi va elektr texnologiyalari kafedrasи 1**

**2 Neft va neft-gazni qayta ishlash texnologiyasi kafedrasи 1**

#### II. KAFEDRA DOTSENTI LAVOZIMIGA:

**1 Bino inshootlar qurilishi kafedrasи 1**

**2 Buxgalteriya hisobi va audit kafedrasи 1**

#### III. KAFEDRA KATTA O'QITUVCHISI LAVOZIMIGA:

**1 Elektronika va asbobsozlik kafedrasи 1**

**2 Ijtimoiy fanlar va sport kafedrasи 1**

**3 Iqtisodiyot kafedrasи 1**

**4 Neft va neft-gazni qayta ishlash texnologiyasi kafedrasи 1**

**5 Kimyo va kimyoviy texnologiya kafedrasи 1**

**6 Elektr texnikasi, elektr mehanikasi va elektr texnologiyalari kafedrasи 1**

#### IV. KAFEDRA ASSISTENTI (O'QITUVCHISI) LAVOZIMIGA:

**1 Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti kafedrasи 1**

**Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lон chiqqan kundan boshlab bir oy. Murojaat qilish uchun manzilgohimiz: Farg'ona shahar, Farg'ona ko'chasi, 86-uy. Telefon: (+99891-665-72-05).**

Toшлоқ тумани, Заркент қишлоғи, “Янги йўл” МФЙ, Алишер Навоий кўчаси, 1-“а” уйда жойлашган “Sugar business production” МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

FARG'ONA VILOYATI SHAHAR VA TUMANLARI MAKTABGACHAVA XALO TA'LIMI BO'LIMLARI, AKADEMIK LITSEY, O'RTA MAXSUS, KASB-HUNAR TA'LIMI MUASSASALARI RAHBARLARI DIQQATIGA!

2022-2023-o'q yilida Qo'qon davlat pedagogika institutining bitiruvchi bakalavrlar va magistrlarini ishlash joylariga taqsimlash ishlari olib borilmoqda.


Buyurtmalarni 2023-yil 15-mayga qadar qabul qilamiz. Manzil: Qo'qon shahar, Turon ko'chasi, 23-uy. Tel: (0373) 542-38-38, (0373) 542-17-83.  
QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTINI 2022-2023 O'QUV YILIDA BITIRAYOTGAN BAKALAVR VA MAGISTRALAR HAQIDA MA'LUMOT

*Farg'ona haqiqati*

№	Shahri	Mutaxassisliklari, yo'naliishlar nomi	Jami	Bitiruvchilarning qaysi viloyat va tumanda kilegandigi																						
				Qo'qon shahar	Bog'dod tumani	Buxoro viloyati	Qashqadaryo viloyati	Nev'yo viloyati	Qoraqalpog'iston viloyati	Qoraqalpog'iston	Qoraqalpog'iston shahar	Qoraqalpog'iston tumani	Qoraqalpog'iston	Qoraqalpog'iston shahar	Qoraqalpog'iston tumani											
1	5110100	Matematika o'qitish metodikasi	35	139	2	6	7	15	1	11	6	24	4	12	1	7	6	2	10	1	2	11	4	29	2	
2	5110200	Fizika va astranomiya o'qitish metodikasi	21	65		6	16	2	3	1	10	3	9	2	2	1	4	3		1	1	1	1	7	2	
3	5110300	Kimyo o'qitish metodikasi	20	50	3	2	1	5	2	1	4	7	3	13	2	2			1	1	1	1	6	3	8	
4	5110400	Biologiya o'qitish metodikasi	19	92		2	2	12	5	13		8		1	5	2	3	2	7		1	8	2	16	1	
5	5110500	Geografiya o'qitish metodikasi	9	33		5	3	3	6	2	3	1		5	1	1			1	1	1	1	2	4	2	
6	5110600	Tarix o'qitish metodikasi	29	87	1	5	10	4	6	13	1	5	2		1	1	2	5	11	1	2	7	4	20	1	
7	5110700	Informatica o'qitish metodikasi	23	50	1	2	7	1	3	1	14	7	6	1		2	1	3	6		1	1	1	1	3	8
8	5110800	Tasviri san'at va umimiyatsilik grafikasi	44	110	5	23	4	4	5	5	2	10	2	14	1	4	4	1	3	4		6	17	3	21	1
9	5110900	Pedagogika va psichologiya	22	75	1	4	10	3	4	5	2	6	3	1	7	1	3	10	1	1	4	4	4	10	1	
10	5111000	Musiqga ta'limi	37	139	7	39	3	16	1	6	3	5	4	20	1	1	3	11	1	2	11	10	23	1	1	1
11	5111200	O'rzbek til va adabiyoti	28	96	6	1	14	1	3	3	8	6	10	1	2	4	2	6	1	1	1	1	1	1	3	
12	5111300	Ona tilli va adabiyoti (rus tilli va adabiyoti)	8	62		10	1	2	13	1	8	4			4		1	3		2	2		2	1	8	
13	5111300	O'an tilli va adabiyoti (rus tilli va adabiyoti (o'zea tilli surʼihard))	12	152	2	1	19	21	6	36	1	14	1	7	7					21	3	24	1		1	
14	5111400	Xorijiy tilli va adabiyoti: Ingliz tilli va adabiyoti	38	313	5	30		17	16	4	41	50	2	19	2	4	3	11	2	12	2	3	37	4	62	1
15	5111600	Milliylig' roya ma'nayiyat asoslariga hujum va tili	17	50	1	2	6	4		1	2	1	8		4	1	1	8	1	1	1	4	15	3		3
16	5111700	Boshlang'ich ta'lim va sport tarbiyiyati	27	208	4	7	5	27	1	19	4	41	1	14	1	3	6	2	20			3	23	3	43	1
17	5111800	Maktabgacha ta'limi	44	141	6	19	1	10	7	15	3	7	6	20	1	2	13	3	4	8	3	2	14	2	4	4
18	5111900	Defektologiya (Logopediya)	12	46	3	3	5	1	5		3	1	1	3	1	1	1	1	4	1	1	2	2	1	2	1
19	5111900	Defektologiya (Sind-dopedekologika)	7	28	1		2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1		2		3	1	2	2	1
20	5111900	Defektologiya (Oligofrenopediologika)	4	14		1	1				2				1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	1	3
21	5112000	Jesmoniy madaniyat	101	297	18	21	7	34	3	15	7	44	15	24	2	5	12	18	3	3	12	6	1	2	47	2
22	5112000	Jesmoniy madaniyat (xotin-qizilar sporti va nafisli bo'yichni)	22	56	2	2	3	2	3	2	12	2	8		6	1	3	1	1	1	3	8	4	7	1	1
23	5112100	Tekhnologik ta'lim	18	152	2	3	35	9	5	36	5	22		5	3	7	1	1	1	1	1	1	1	15	1	
24	5611700	Maktab me'mejimenti	11	25	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	3	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	
Jami:				608	2480	53	187	51	273	45	178	57	346	66	272	9	20	33	121	15	32	44	150	6	12	28
				3088	240	324	223	403	338	29	154	47	194	18	29	33	12	12	305	484	9	34	5	3	7	
2022-2023 o'q yilida davlat granti va o'quv yilidagi davlat granti va o'quv yilidagi granti																		2022-2023 o'q yilida davlat granti va o'quv yilidagi granti								
1	70110101	Pedagogika nazaritasiga va tarixi (folivat turli bo'yicha)	2	7	1	5								1												1
2	70110102	Pedagogika va psichologiya	2	8	1	2								1												1
3	70110103	Hilim imassuslariining bosqichlari	2	13	2	6	1	1	1	1																3
4	70110201	Tarliim va tarbiya nazaritasiga va metodikasi (imakrabiatcha ta'lim)	3	15	2	2	1	1	1	1				4		1	3	1								3
5	70110401	Maksus pedagogika, defektologiya (dogenediva)	2	23	1		2		2					2		1										1
6	70110401	Maksus pedagogika, defektologiya (genedpedogenediva)	2	12	1		1		1					1		1										1
7	70110501	Ba'lilm va tarbiya nazaritasiga va metodikasi (bosqichlari ichi ta'lim)	2	30	9	1	3	2	1	1				3		2	4									2
8	70110601	Aniq va tabiy fanlarni o'qitish metodikasi (matematika)	6	26	1	3	2	1	1	1				4		1	1									3
9	70110602	Tarliim axborot texnologiyalarini	6	15	3	1	2	1	1	1				1		1				</						

# ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ

Ўзбекистон халқини, вилоятдошлиримизни, ҳурматли уламоларимиз, имом-хатибларимиз ва юртимиз мўмин-мусулмонларини Ер юзидағи ислом уммати томонидан кенг нишонланаётган муборак, азизу мукаррам айём – Рамазон ҳайити билан самимий қутлайди.



Аллоҳ таолонинг марҳамати ёғиладиган ушбу барокатли, нурафшон, эл-юртимиз учун инсонпарварлик, сабр-қаноат, ҳайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган қутлуғ кунларда Сизларга, оиласизга энг олий неъмат ҳисобланмиш соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Меҳнаткаш ва оққўнгил халқимизнинг мўътабар моҳи Рамазонда қилган барча эзгу ният ва дуолари ижобат бўлсин!



**ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗНИ, АЗИЗ ХАЛҚИМИЗНИ  
ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ПАНОХИДА АСРАСИН!**

МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalarini tahririyati

Бош мухаррир:  
Рустам ОРИПОВ.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида оғсет усулida А-3 формат (8 саҳифа)да 2042 нусхада чол этилди.  
Буюртма №: 262. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Туркестон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:  
150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Сахифаловчи: Достонбек Холматов.  
Босишга топшириши вақти: 18.00.  
Топширилди: 15.00.



Навбатчи мухаррир: Махиёра Бойбобоева.